



ISSUES RELATED TO FEMALE SUICIDE VICTIMIZATION

Normatova Shirin Abdalnabievna

Tashkent City, Internal Affairs

The main office is the XPB office

Deputy chief, lieutenant colonel

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11030243>

ARTICLE INFO

Received: 14th April 2024

Accepted: 21th April 2024

Online: 22th April 2024

KEYWORDS

Women, victimization, victimology, crime, victim, damage, person, behavior, prevention, prevention.

ABSTRACT

This article analyzes the issues of female suicide victimization. Also, the article examines the opinions of scientists regarding specific aspects of victimhood.

ПРОБЛЕМЫ, СВЯЗАННЫЕ С ВИКТИМИЗАЦИЕЙ ЖЕНЩИН-САМОУБИЙЦ

Норматова Ширин Абдулнабиевна

Ташкентский городской отдел внутренних дел

главный офис — офис XPB заместитель начальника, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11030243>

ARTICLE INFO

Received: 14th April 2024

Accepted: 21th April 2024

Online: 22th April 2024

KEYWORDS

Женщины, виктимизация, виктимология, преступление, потерпевший, ущерб, личность, поведение, профилактика, предотвращение.

ABSTRACT

В данной статье анализируются проблемы женской суицидальной виктимизации. Также в статье рассматриваются мнения ученых относительно конкретных аспектов виктимности.

АЁЛЛАРНИНГ ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШНИНГ ВИКТИМЛИГИГА ДОИР МАСАЛАЛАР

Норматова Ширин Абдулнабиевна

Тошкент шаҳар, Ички ишлар

Бош бошқармаси ХПБ бошқармаси Бошлиғининг ўринбосари, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11030243>

ARTICLE INFO

Received: 14th April 2024

Accepted: 21th April 2024

Online: 22th April 2024

ABSTRACT

Мазкур мақолада аёлларнинг ўз жонига қасд қилишнинг виктимлигига доир масалалар таҳлил



KEYWORDS

Аёллар, виқтимлик,
виқтимология, жиноят,
жабрланувчи, зарар, шахс,
хулқ-атвор, профилактика,
олдини олиш.

*этилган. Шунингдек, мақолада виқтимликнинг ўзига
хос жиҳатлари юзасидан олимларнинг фикрлари ҳам
ўрганилган.*

Бизга маълумки, Криминология назариясида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириладиган профилактик фаолиятнинг кимга қаратилганлигига кўра иккига: криминологик ва виқтимологик профилактика турларига бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Криминологик профилактика - бу жиноятларнинг сабабларини аниқлаш, бартараф этиш ёки унинг криминал хусусиятга эга бўлган таъсирини камайтириш, шу жумладан, жинойи таъқиқларни бузган ёки шундай хатти-ҳаракатни содир этишга мойил бўлган шахсларга нисбатан тарбиявий профилактик чора-тадбирларни қўллаш билан боғлиқ бўлган фаолият ҳисобланади¹.

Ҳозирги вақтда амалга ошириладиган профилактика чора-тадбирлари асосан жиноят содир этган шахсларга қаратилган. Чунки, ғайриижтимоий қилмишнинг мотиви, мақсаднинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва уларнинг амалга оширишда шахс асосий ролни ўйнайди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирда кўп ҳолларда ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жинояти туфайли айрим тоифадаги шахслар, яъни аёллар жиноят қурбонига ёки жабрланувчисига айланиб қолмоқда.

Шу боис эндиликда аёлларнинг ўзининг салбий хулқи, турмуш-тарзи ва юриш-туриши билан бирга ижтимоий мавқеи ва жисмоний ҳолати, бажараётган меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда жиноят қурбонига айланиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

“Виқтимология” атамаси икки сўздан: латинча “victima” – “жабрланувчи” ва юнонча “logos” – “билим, таълимот” сўзидан ташкил топган бўлиб, жабрланувчи ҳақидаги таълимот деган маънони англатади².

Криминология доирасида жабрланувчининг турли жиҳатларини комплекс тадқиқ қилиш вазифаси қўйилади, чунки, жабрланувчисиз жинойи қилмиш бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай жинойи қилмиш жабрланувчига муайян (моддий, ижтимоий, жисмоний, руҳий, маънавий, бевосита, билвосита ва ҳ.к.) зарар етказади. Ҳуқуқбузарликлардан ҳар хил объектлар ёки қонун билан қўриқладиган ижтимоий аҳамиятга молик манфаатларнинг эгалари жабрланиши мумкин.

¹ Исмаилов И., Абдурасулова Қ.Р., Фазилов И.Ю. Криминология. Умумий қисм. Дарслик. – Академия.Т.: 2014. – Б.179-180

² Франк Л.В. Некоторые теоретические вопросы становления советской виқтимологии // Потерпевший от преступления. Владивосток, 1974. С.15.



Виктимологияда жабрланувчиларни ўрганишда асосан “жиноят қурбони” ва “жиноят жабрланувчиси” деган айнан ўхшаш бўлган тушунчалардан фойдаланилади.

Аёлларнинг ўз жонига қасд қилишнинг сабаблар занжирида жабрланувчи жиддий роль ўйнайди, деган фикр бугунги кунда пайдо бўлиб қолган эмас, зеро, давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда тарихи манбаларида бундай ёндашув ўз аксини топган.

Таниқли ҳуқуқшунос олимлардан бири бўлган Иеремия Бентам (1748-1832) жиноятчини оғирроқ жазолаш учун жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш бўйича қонунчиликка тегишли нормаларни киритишни таклиф қилган³.

Бироқ фақат, XX асрнинг биринчи ярмидан кейингина жабрланувчининг хулқ-атвори жиноятчиликнинг муҳим омили сифатида тизимли равишда тадқиқ қилина бошланди. Немис олими Ганс фон Гентинг 1948 йил “Жиноятчи ва жабрланувчи” деб номланган катта ва махсус илмий тадқиқотни эълон қилади. У тадқиқоти давомида жиноят ишларини ўрганиб чиқади ҳамда жиноятни содир этишда жабрланувчи айбдор шахсни жиноят содир этишга ундовчи ҳаракатлари ва хусусиятлари мавжудлиги ҳақидаги хулосага келади.

У ўз тадқиқотида асосий эътиборини жиноятнинг юзага келиш омили сифатида жабрланувчига қаратади. Г.Гентинг шунингдек жиноятчиликни зарар етказувчи ва ундан жабрланган шахс ўртасидаги муайян ўзаро муносабатлар сифатида тушуниш ғоясини илгари суради. Унинг фикрига кўра, жабрланувчилар тўғрисида тўпланган маълумотларга асосланган ҳолда жиноятчи ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатларнинг муайян типларини ажратиш мумкин. Бу муносабатлар эса жиноят билан узвий боғлиқдир. Бу эса содир этилган жиноятни нафақат таҳлил қилишни, балки унинг бўлажак жабрланувчилари ҳақида муайян прогнозлар тузишни ва ҳатто латент (яширин) жиноятчиликнинг ҳолатини аниқлашни тақозо этади⁴.

Юқоридагиларга асосланиб, айтиш мумкинки, виктимология жабрланувчи ҳақидаги таълимот бўлиб, унинг предмети “айбланувчи-жабрланувчи” ўртасидаги боғлиқликни ташкил этувчи муносабатлар ҳисобланади⁵.

Таъкидлаш жоизки, аёлларнинг ўз жонига қасд қилишнинг сабабларини ўрганишда жабрланувчи ҳақидаги таълимот муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, жиноятнинг содир этилишида жабрланувчининг тутган ўрнини илмий жиҳатдан билиш ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эгадир.

Шу сабабли криминал виктимологияни ўрганишдан кўзланган асосий мақсад, жиноят қурбонининг ўз жонига қасд қилишнинг юзага келишида тутган ўрни, аҳамиятини, жиний вазиятнинг юзага келиши ва ривожланишига қўшган “ҳиссаси”ни аниқлаш ва тадқиқ этишдир. Бунинг учун жабрланувчининг шахси, унинг жиноят содир этилишидан олдинги хулқ-атвори тўғрисида тегишли умумий ахборот йиғилиши зарур.

³ Исмаилов И., Абдурасулова Қ.Р., Фазилов И.Ю. Криминология. Умумий қисм. Дарслик. – Академия.Т.: 2014. – Б.179-180.

⁴ Полубинский В.И. Правовые основы криминальной виктимологии // Журнал российского права.2001. №4.

⁵ Исмаилов И., Абдурасулова Қ.Р., Фазилов И.Ю. Криминология.Умумий қисм. Дарслик. –Академия.Т.: 2014. – Б.179-180.



Бунинг учун биринчи навбатда жабрланувчининг шахси тўғрисидаги зарур маълумотлар айниқса, жиноятнинг юзага келишида сабаб бўлувчи хулқ-атвори атрофлича ўрганиб чиқилиши лозим ҳисобланади⁶.

Виктимология - жисмоний ва юридик шахсларни жиноий тажовуз объектига айлантирувчи, жиноий алоқадорлик тавсифи ва даражасини белгиловчи уларга хос типик хусусиятлар, шунингдек жиноят қурбонларининг мустақил ўз манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш қобилияти ва уни кучайтириш воситалари ҳақидаги таълимотдир⁷.

Жиноят қурбони - жиноий тажовуз қилинган жисмоний ёки юридик шахс. Ушбу криминологик тушунча шунингдек, жиноят қурбони бўлиш эҳтимоли юқори бўлганларни ҳам ўз ичига олади. Бундай тоифадаги шахслар - бу ўзи билан бир хил бошқа ижтимоий субъектларга қараганда унга нисбатан жиноий тажовуз эҳтимоли юқори бўлишини кучайтирувчи хусусиятларга эга бўлган шахс⁸.

Жиноий тажовуз объектининг жиноий алоқадорлигини кучайтирувчи индивидуал хусусиятлари виктимлик, бундай алоқадорликни камайтирувчи қобилиятни эса виктимликка қарши хусусият⁹ деб эътироф этилади.

Жиноят “қурбони” “жабрланувчи” деган тушунчадан анча кенг ҳисобланади. Криминологияда дастлаб жиноят қурбонини ўрганишда асосий эътибор жиноят содир этишга шароит яратиб берган ёки содир этилишини тақозо қилувчи хусусиятларини аниқлашга эътибор қаратилган.

Виктимлик деганда, шахсга нисбатан жиноий қилмиш содир этилишини тақозо қилувчи ёки осонлаштирувчи хусусиятлар йиғиндиси тушунилади¹⁰. Бунда виктимлилик шахснинг таваккалчилик, ўйламасдан енгилтаклик билан йўл қўйган ҳавфли ҳаракати ёки ҳаракатсизлигидир. Кейинчалик виктимлик сифатида шахснинг нафақат маънавий, руҳий, психологик ҳолати, балки унинг жамиятнинг турли соҳаларидаги ижтимоий мавқеи билан боғлиқ хусусиятлари ҳам ўрганила бошланди.

Шахснинг жамиятдаги мавқеи унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда ҳам унга нисбатан у ёки бу турдаги жиноий қилмишлар содир этилишини тақозо қилиши аниқланди. Шу билан бир қаторда, ўз жонига қасд қилган аёл жабрланувчининг шахси ва унинг хатти-ҳаракатлари жиноятчиларнинг жиноий қилмишларини амалга оширишга тайёрланишларидан олдин, жиноятни амалга ошириш вақтида ва қайта жиноят содир этишларида ҳам алоҳида ўрин тутади.

⁶ Парфиев Ё.А. ва бошқ. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси. Дарслик. – Академия.Т.: 2015. – Б.341-342.

⁷ Исмаилов И., Абдурасулова Қ.Р., Фазилов И.Ю. Криминология. Умумий қисм. Дарслик. – Академия.Т.: 2014. – Б.179-180.

⁸ Щербакова Л.Ю. Виктимологический аспект преступности: современная теория и практика. Автореф.дисс. канд.юрид. наук. – СПб. 2005 – С.163.

⁹ Мухторов Ж.С. Актуальность виктимологическая профилактика правонарушений в условиях Узбекистана // вестник Академия МВД РУз, 2015, – №3. – С.45-49.

¹⁰ Ниёзова С.С. Жиноят ва виктимологик таҳлил.// Ҳуқуқ ва бурч журнали, – Т.. 2015. – №25. – Б.14-16.



Кўп ҳолларда аёлларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари оилавий муносабатлар доирасидаги жиноятлар ҳисобланиб, унда жабрланувчи шахсни тадқиқ этишда оиладаги зўравонликнинг ижтимоий хавфини ҳам инобатга олиш лозим. Чунки, бунинг натижасида аёлларга нисбатан оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилади.

Дарҳақиқат, шахсга қарши жиноятларнинг 60%и оила турмуш муносабатлари доирасида содир этилган. Хусусан, оила турмуш муносабатлари доирасида қасддан одам ўлдириш; ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш; қасддан баданга енгил, ўртача оғир ва оғир шикаст етказиш; қийнаш; ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш; номусга тегиш; жинсий эҳтиёжини зўрлик ишлатиб ғайритабiiий усулда қондириш; аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур қилиш; аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки тўсқинлик қилиш; зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш; ҳақорат қилиш; безорилик жиноятлари ва бошқа жиноий хатти-ҳаракатлар содир содир этилмоқда.

Оила турмуш муносабатлари доирасидаги содир этилган жиноят натижасида нафақат муайян шахс жабрланади, балки у билан биргаликда унинг оила аъзоларига, улар ўртасидаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга ҳам зарар етказилади. Чунки, бунда жиноят содир этган жиноятчи шахс эри ёки хотини, фарзанд ёки ота-она ёхуд яқин кишилари бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда бундай жиноятлар оқибатида бутун бир оила йўқ бўлиб кетади ёки оила аъзолари ўртасида муносабатлар шундай даражада бузиладики уни ҳеч қачон аввалги соғлом ҳолатига қайтариб бўлмайди.

Оила турмуш муносабатлари доирасида аёлларнинг ўз жонига қасд қилишнинг деярли кўпчилигида жабрланувчилар ўзларини ҳимоя қилиш имконига эга бўлишмайди. Мисол учун, тўсатдан юзага келган хавфни бартараф этишда жабрланувчининг ожиз аҳволда эканлиги жиноят жабрланувчии бўлишига шароит яратиб беради. Бироқ, бу ҳолат жиноят содир этилишига кўмаклашувчи вазифани ўтайди. Кўмаклашиш деганда - жиноят содир этилишига ёрдам берадиган вазиятни (ёрдам берадиган шарт-шароитлардан бирини) вужудга келтириш тушунилади.

Виктимологик тадқиқотлар ўтказишда жиноят содир этилишининг алоҳида хусусиятлари, жабрланувчининг жисмоний жиҳатларинигина эмас, унинг ахлоқий, руҳий, ҳиссий жиҳатларини ҳам таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Буларни рад этиш беқарор вазиятдаги ўзаро таъсир этишнинг барча реал омилларини тадқиқ этишга тўсқинлик қилади.

Виктимологияда «жабрланувчи»нинг ўзигина эмас балки нима учун, қандай вазиятларда, ким жиноят жабрланувчисига айланиши, жиноий вазиятнинг вужудга келиши(шаклланиши), жиноят содир этилиши жараёнларидаги хулқ-атвори, жиноий мотивнинг шаклланишига қай даражада таъсир кўрсатилиши каби масалалар ҳам ўрганилади²².

Оила турмуш муносабатлари доирасидаги жиноятлардан, айниқса ўз жонига қасд қилишдан жабрланган шахсларнинг виктимологик тавсифи, деганда жабрланувчининг куйидаги *муносабат ва сифатларини* очиб бериш лозим бўлади:

1) жабрланувчи шахснинг жинси, ёши, ижтимоий келиб чиқиши, машғулот тури, оилавий аҳволи, ва ҳақозоларни тавсифловчи ижтимоий- демографик белгилари;



- 2) унинг оилада, мактабда, ишда шаклланиш жараёнини аниқлаш имконини берувчи шахснинг ҳаёти ва тарбия натижалари;
- 3) жабрланувчиларнинг қарашлари ва одатлари, хулқ-атворининг мотивлари, жамият ва меҳнатга муносабатлари;
- 4) ён атрофдагиларнинг, хусусан, ижтимоий гуруҳлар, қарашлар, кадриятларнинг жабрланувчининг қарашлари билан ўхшашлиги.
- 5) жабрланувчининг моддий, жисмоний ва руҳий ҳолати.

Юқоридаги ҳолатларни ёритиш жабрланувчига тавсиф бериш билан бирга ушбу турдаги жиноятларнинг виктимологик профилактикасини амалга оширишга самарали ёрдам беради.

References:

1. Исмаилов И., Абдурасулова Қ.Р., Фазилов И.Ю. Криминология. Умумий қисм. Дарслик. – Академия.Т.: 2014. – Б.179-180
2. Франк Л.В. Некоторые теоретические вопросы становления советской виктимологии // Потерпевший от преступления. Владивосток, 1974. С.15.
3. Исмаилов И., Абдурасулова Қ.Р., Фазилов И.Ю. Криминология. Умумий қисм. Дарслик. – Академия.Т.: 2014. –Б.179-180.
4. Полубинский В.И. Правовые основы криминальной виктимологии // Журнал российского права. 2001. №4.
5. Исмаилов И., Абдурасулова Қ.Р., Фазилов И.Ю. Криминология. Умумий қисм. Дарслик. – Академия.Т.: 2014. –Б.179-180.
6. Парфиев Ё.А. ва бошқ. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси. Дарслик. – Академия.Т.: 2015. –Б.341-342.
7. Исмаилов И., Абдурасулова Қ.Р., Фазилов И.Ю. Криминология. Умумий қисм. Дарслик. – Академия.Т.: 2014. –Б.179-180.
8. Щербакова Л.Ю. Виктимологический аспект преступности: современная теория и практика. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – СПб. 2005. – С.163.
9. Мухторов Ж.С. Актуальность виктимологическая профилактика правонарушений в условиях Узбекистана // вестник Академия МВД РУз, 2015, . – №3. . – С.45-49.
10. Ниёзова С.С. Жиноят ва виктимологик таҳлил. // Ҳуқуқ ва бурч журнали, . – Т.. 2015. . – №25. – Б.14-16.